

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

САФАРОВА ШОҲСАНАМ МАШАРИПОВНА

**АКРОМЕГАЛИЯДА ТАЯНЧ-ҲАРАКАТЛАНИШ ТИЗИМИ
АСОРАТЛАРИ, ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Сафарова Шоҳсанам Машариповна

Акромегалияда таянч-ҳаракатланиш тизими
асоратлари, эрта ташхислаш ва даволашнинг
замонавий усуллари ва жиҳатлари..... 3

Сафарова Шоҳсанам Машариповна

Опорно-двигательные осложнения
акромегалии, ранняя диагностика и
современные аспекты лечения..... 21

Safarova Shokhsanam Masharipovna

Musculoskeletal complications of
acromegaly, early diagnosis and current
aspects of treatment..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02.
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АКАДЕМИК Ё.Х. ТЎРАҚУЛОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭНДОКРИНОЛОГИЯ
ИЛМИЙ - АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ**

САФАРОВА ШОҲСАНАМ МАШАРИПОВНА

**АКРОМЕГАЛИЯДА ТАЯНЧ-ҲАРАКАТЛАНИШ ТИЗИМИ
АСОРАТЛАРИ, ЭРТА ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШНИНГ
ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА ЖИҲАТЛАРИ**

14.00.03 – Эндокринология

**ТИББИЙ ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Tib741 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси акад. Ё.Х. Тўракулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Халимова Замира Юсуфовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Хамроев Фарход Шарафович
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

**Тиббиёт ходимларининг касбий
малакасини ривожлантириш маркази**

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2021 йил «___» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент ш., Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

С.И. Исмаилов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Акромегалия сурункали эндокринопатиялардан бири бўлиб, унинг асосида гипофиз ўсмаси ўсиш гормони ва инсулинга ўхшаш ўсиш омили-1 гиперсекрецияси ётади. Инсон ўсиш гормони ва унинг қўзғатувчи таъсирининг асосий медиатори сифатида инсулинга ўхшаш ўсиш омили муҳим ўрин тутди. Маълумки, катта ёшли инсонларда ўсиш гормони етишмовчилиги суяк оғирлигининг йўқотилиши ва остеопороз ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлса ҳам, унинг гиперсекрециясининг суяк тўқимаси ҳолатига таъсири ҳамон ноаниқлигича қолмоқда. Бундан ташқари, акромегалия билан оғриган беморларда суяк минерал зичлигининг ортиши уларнинг синиш хавфини кўпайтириши билан боғлиқлик масаласи етарлича ўрганилмаган. Акромегалияда суяк-мушак тизимида ўзгаришларнинг кўп учрашига қарамасдан, у билан оғриган барча беморларда артропатияларнинг объектив ҳамда субъектив белгилари ривожланади ва улар тўғрисидаги маълумотлар мунозарали бўлиб қолмоқда. Уни эрта ташхислаш ва даволаш ёрдамида қайтариб бўлмас асоратларнинг олдини олиш ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш каби муаммолар долзарб бўлиб қолмоқда.

Жаҳонда акромегалияда суяк-мушак тизимидаги асоратларни ташхислаш ва даволаш масалалари, жумладан, уларнинг беморлар ҳаёт сифатини пасайтирувчи, ҳаракатланишини чегараловчи асосий омил эканлигини қатор хорижий мутахассислар ўз тадқиқотлари натижаларига кўра қайд этишган. Бу борада акромегалияда таянч-ҳаракат тизими зарарланиши ва улар натижасида асоратларнинг ривожланиши касаллик кечишини оғирлаштириши; шу билан бирга, беморлар жинсига, ёшига ва ҳаёт сифатига ҳамда гиперсоматотропинемия давомийлигига боғлиқ равишда суяк-мушак тизимидаги асоратларни даволаш усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий изланишлар олиб борилмоқда. Таянч-ҳаракат тизимидаги патологик, қайтариб бўлмас асоратлар кўламининг кенгайиши касаллик фаоллигига, қўлланилган даво усулларига ва, айниқса, ўлим ҳолатларини келтириб чиқарувчи сабабларга боғлиқлигини аниқлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, акромегалия билан касалланиш, унинг таянч-ҳаракат тизимига таъсири бўйича хасталикнинг ривожланиш омиллари ҳамда улар асоратларининг кўп учраши, касалликни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактика қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, касалликларни эрта ташхислаш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизматини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни олдини олиш...»¹ каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида турли эндокрин тизими билан боғлиқ касалликларни ташхислаш ва даволашда замонавий технологияларни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида Фармони»

қўллашни такомиллаштириш орқали касаллик асоратлари натижасида юзага келадиган ногиронлик ва ўлим кўрсаткичини камайтириш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 19-апрелдаги ПФ-4295 сон «2019-2021 йилларда республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатишни такомиллаштириш миллий дастурини тасдиқлаш тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5590-сон фармонлари, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акромегалия бу нейроэндокрин патология бўлиб, жуда кам учрайдиган, орфан касалликлар гуруҳига киради. Шу сабабли бу борада клиник, эпидемиологик тадқиқотларни олиб бориш баъзи қийинчиликларни туғдирса ҳам ҳозирги кунга келиб акромегалияда суяк-мушак тизимидаги асоратларни ўрганишга қаратилган қатор илмий изланишлар мавжуд: Бельгия (Daly A.F., 2006), Финляндия (Raappana A., 2010), Словакия (Zdenko Killindger., 2012), Бразилия (Miguel Madeira Leonardo., 2013), Италия (Gherardo Maziotti., 2013), Италия (Gherardo Maziotti., 2015 (Брешиа (Италия) университети суяк метаболизми ва остеопороз бўйича ишчи гуруҳ), Исландия (Agustsson T.T., 2015) тадқиқотчилари томонидан олиб борилган изланишлар дунё мамлакатларида акромегалияни тарқалиш даражасини аниқлашга имкон беради. Турли давлатларда акромегалия мавжуд беморларнинг миллий регистрлари шакллантирилган, улар эса сўнгги ўн йилликда самарали ва муваффақиятли қўлланилиб келинмоқда. Хусусан, бу каби регистрлар республикамизда ҳам мавжуд бўлиб, Ўзбекистонда акромегалия асоратларини ўз вақтида аниқлаш, даволаш натижаларини ва асоратларини самарали мониторингини ўтказиш борасида электрон маълумотлар базаси яратилган (Холикова А.О., Халимова З.Ю., 2007, 2019). Шунингдек, Россияда (Молитвословова Н.И., 2011), Испанияда (Mestron A, 2004), Бельгияда (Вех М, 2007), Кореяда (Kwon O., 2013) ҳам шундай маълумотлар мавжуд.

Акромегалияда суяк-мушак асоратларини объектив аниқлаш мақсад бўлган яхлит ва пухта ўйланган ёндашишни аниқлаш нейроэндокринологиянинг бирламчи вазифаларидан саналади. Дунёда акромегалиянинг асоратли шакллари, уларнинг учраш даражаси, ташхислаш ва даволаш масалаларига бағишланган тадқиқотлар унчалик кўп бўлмасда, унинг назорати борасида бир қанча илмий ишлар амалга оширилган. Бироқ аксарият ҳолларда акромегалия асоратларининг ривожланиши, уларнинг

предикторларини ва оқибатларини аниқлашга назарий ёндашувлармавжуд. Юқоридагиларни эътиборга олган ҳолда, умумлашган, илмий ва далилларга асосланган натижаларга эришиш ҳамда қайд этилган муаммоларнинг ечимини топиш давр талаби ҳисобланади. Соғлиқни сақлаш соҳаси ходимлари эса ушбу ёндашувлардан беморларни даволаш усулларини самарасини баҳолаш, узоқ ва яқин асоратлари ҳамда кейинги босқичда даволашни давом эттириш тактикасини белгилашда энг самарали восита сифатида қўллашлари тақозо этилади.

Ўзбекистонда нейроэндокрин, жумладан гипофиз, буйрак усти беzi ўсмаларини эрта аниқлаш ва юқори технологик даволаш усулларини тадбиқ қилиш борасида (Халимова З.Ю., 2000, 2017, 2018; Урманова Ю.М., 2015); гипофиз аденомаси жарроҳлиги (Махкамов К.Э., 2009, 2014); соматотропиномалар (Холикова А.О., 2007г), кортикотропиномалар (Наримова Г.Д., 2018), гипофиз нофаол аденомалари (Холова Д.Ш., 2018), соматотропиномалар клиник-эпидемиологик мезонлари (Холикова А.О., 2019), соматотропиномалар нур терапияси (Иссаева С.С., 2019) каби қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Бироқ, шуни таъкидлаш жоизки, акромегалиянинг суяк-бўғим асоратлари, уларнинг ривожланиш генези, ҳамда суяк тўқимасининг минерал зичлиги ва суяк метаболизми маркерларини ўрганиш зарурияти мавжуд.

Шундай қилиб, акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизимидаги асоратларнинг (ТҲА) учраш даражаси, клиник манзарасининг ўзига хослиги, улар ривожланишига таъсир этувчи эҳтимолий омилларни ўрганиш, мавжуд ташхислаш ва даволаш усулларини баҳолаш, касаллик оқибатига таъсир этувчи ҳолатларни эрта ташхислаш ва даволашни оптимал алгоритминини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Қайд этилган масалалар ечими ушбу тадқиқотни ўтказиш учун асос бўлди.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт маркази илмий тадқиқот ишлар режасига мувофиқ № ПЗ – 20170928355 «Нейроэндокрин тизим ўсмаларини дифференциал даволаш ва эрта ташхислашни юқори технологик усулларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй) грант лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларда суяк метаболизминини бошқарилишида ўсиш гормони ва инсулинга ўхшаш ўсиш омили-1 аҳамиятини баҳолаш ва уларни эрта ташхислаш ҳамда даволашни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

акромегалия билан касалланган беморларда антропометрик кўрсаткичлар, тананинг композицион таркибига боғлиқ ҳолда таянч-ҳаракат тизими асоратлари семиотикасини аниқлаш;

таянч-ҳаракат тизими асоратларининг хусусиятлари ва учраш даражасини беморлар ёши, жинси, касаллик фаоллиги ва давомийлигига боғлиқ ҳолда тавсифлаш;

беморларнинг гонад статуси ва асосий кўрсаткичларини эътиборга олган ҳолда суяк тўқимасининг минерал зичлиги ва суяк метаболизми ҳолатини аниқлаш;

акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратларини даволашда остеопорозга қарши (антиостеопоротик) воситаларнинг самарадорлигини таҳлил қилиш;

акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратларини эрта ташхислаш ва даволаш алгоритминини ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида 2000-2020 йиллар оралиғида академик Ё.Х.Тўрақулов номидаги Республика ихтисослаштирилган эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказига мурожаат қилган 120 та бемор танлаб олинган.

Тадқиқот предмети сифатида акромегалия таянч-ҳаракат тизими асоратларини ташхислаш, даволаш мақсадида ўсиш гормони, инсулинга ўхшаш ўсиш омили -1 ва суяк метаболизми маркерлари даражасини баҳолаш учун қон томиридан олинган веноз қон намуналари олинган.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда клиник, биокимёвий (бета кросслапс, остеокальцин, кальций), гормонал текширувлар (ЎГ-ўсиш гормони, (ИЎЎО-1-инсулинга ўхшаш ўсиш омили-1, ЛГ-лютеотроп гормон, ФСГ-фолликул стимулловчи гормон, тестостерон, эстрадиол), функционал синамалар, ҳамда инструментал, нейровизуал (МРТ/КТ, денситометрия), рентгенологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк марта акромегалия билан касалланган беморларда таянч-ҳаракат тизими асоратлари семиотикаси антропометрик кўрсаткичлар ўсиши ва тана композицион таркибининг ўзгариши билан ўзаро боғлиқлиги исботланган;

илк марта акромегалия таянч-ҳаракат тизими асоратлари билан жинс орасидаги боғлиқлик, жумладан, суяк синишлари эркакларда (10,8%vs5,2%, $p<0,001$), остеоартроз эса аёлларда (61,1% vs 48,8%, $p<0,05$) ишончли даражада устунлиги аниқланган;

акромегалияда бета-кросслапс ва остеокальцин миқдорини юқорилиги умуртқа поғонаси суяк минерал зичлиги ҳамда денситометрия кўрсаткичлари орасидаги корреляцион боғлиқлик аниқланган;

илк марта суяк ремоделланиш кўрсаткичлари бета-кросслапс ва остеокальцин миқдорининг ўзгариши билан акромегалиянинг фаоллигининг ортиши ҳамда гонадал статус пасайиши орасида узвий боғлиқлик аниқланган;

таянч-ҳаракат тизими асоратларини комплекс даволашда асосий терапияга қўшимча равишда антиостеопоротик даво қўлланилиши касалликда самарали натижа бериши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

касаллик оқибати ва беморлар ҳаёт сифатини яхшилаш учун таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларда суяк тўқимаси метаболизмининг фармакологик коррекцияси тавсия этилган;

акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларда суяк тўқимасининг минерал зичлиги ҳолатини баҳолашда умумий ва панорам рентгенография устунликлари тавсия қилинган;

таянч-ҳаракат тизими асоратларини эрта ташхислаш мезонлари сифатида акромегалия фаоллигини аниқлаш ва даволаш самарасини баҳолаш учун кўшимча маркер сифатида тана вазни ва унинг индекси тавсия этилган;

касаллик оқибатини яхшилашга ва беморларни йўналтиришга қаратилган таянч-ҳаракат тизими асоратларини эрта ташхислаш ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилган.

Илмий натижаларнинг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашувнинг тўғрилиги, клиник, биокимёвий, гормонал, инструментал, визуализацион ва иммунгистокимёвий усуллардан фойдаланилганлиги, давомли кузатувда бўлган беморларнинг етарлича сони, тадқиқот натижаларини кўп томонлама таҳлил қилиш, олинган маълумотларга тўғри статистик ишлов бериш, оқилона баҳолаш ҳамда уларни хорижий ва маҳаллий тадқиқотлар билан таққослаш, хулосалар ва натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлашганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд акромегалия билан оғриган беморларда уларнинг ёши, жинси, гиперсоматотропинемия давомийлиги ҳамда касаллик фаоллик даражасига боғлиқ ҳолда суяк-бўғим омиллари аниқланган бўлиб, бу таянч-ҳаракат тизими асоратларини эрта ташхислаш ва даволаш имконини берганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларни узоқ вақт назоратини олиб бориш, уларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш, беморлар ҳаёт сифатини яхшилашга асосланади, бу эса унинг асоратланган шакллари камайтириш ва сарф-ҳаражатларни иқтисод қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Акромегалия ва унинг асоратлари мониторинги, даволаш, ташхислашни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратларини ташхислаш, даволаш бўйича олинган илмий натижалар асосида ишлаб чиқилган «Акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратлари бор беморларни ташхислаш, даволаш ва олиб бориш алгоритми» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йил 30 ноябрдаги 8н-р/530-сонли маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома акромегалия мавжуд беморларни замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари ёритилган ҳамда амалда тадбиқ қилиш имконини берган;

таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд акромегалия аниқланган беморларни ташхислаш, даволаш алгоритми бўйича олинган натижалар соғлиқни сақлаш тизими, жумладан, Самарқанд ва Жиззах вилоят эндокринология диспансерлари амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 3 апрелдаги 8н-з/67-сонли маълумотномаси).

Илмий тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши акромегалия аниқланган беморлар саломатлик ҳолатини мониторинг қилишга, таянч-ҳаракатланиш тизими асоратларини эрта аниқлашга ва натижада ногиронлик ҳамда ўлим хавфини камайтириш имкониятини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференциялар доирасида, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика конференциясида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 4 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан, 3 таси республика журналларида ва 1 таси хорижий журналда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган, мақсад ва вазифалар аниқ шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предметига тавсиф берилган, ЎЗР Фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, илмий янгилиги аниқланган ҳамда амалий натижалари кўрсатилган, иш натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ этиш, мавзу бўйича чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи “**Адабиётлар шарҳи**” бобида адабиётлар шарҳи тақдим этилган бўлиб, унда акромегалиянинг ТҲА этиопатогенези масалалари батафсил ёритилган бўлиб, улар асосида ўсиш гормони ва ИҶҶО-1 ортиқча секрецияси ётиши баён қилинган. Акромегалия билан касалланган беморларда суяк минерал зичлиги ҳолати ҳамда суяк метаболизми маркери ўрганилган. Сўнгги келишилган консенсус тавсияларига кўра замонавий ташхислаш ва даволаш усуллари келтирилган. Умуман олганда, биринчи бобда касалликнинг олдини олиш, даволаш усуллари афзалликлари ва камчиликлари таҳлил қилиниб, ўз ечимини топиш керак бўлган муаммоларга ёндашув мезонлари белгиланган.

Диссертациянинг иккинчи “**Текширув материаллари ва усуллари**” бобида асосий материаллар ва тадқиқот усуллари баён қилинган. Тадқиқот объекти сифатида 2000-2020 йилларда РИЭИАТМга мурожаат этган, акромегалияни ташхислаш ва даволаш бўйича Халқаро консенсус тавсиялари асосида аниқланган акромегалия ташхиси билан 120 та бемор танланди. Уларнинг барчаси кўриқдан ўтказилди, жумладан 90 та бемор бевосита РИЭИАТМда шифохона шароитида даволанган. Ҳар бир бемор дастлабки мурожаат вақтида мукамал текширилди ва 3,6, 12 ой ва кейинчалик ҳар йили

кузатувда бўлди. Беморларнинг ҳар бирига акромегалия ТҲА беморларни аниқлаш ва мониторинг олиб бориш картаси тўлдирилди.

Белгиланган вазифаларга мос ҳолда тадқиқотлар олиб бориш учун беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: жинс бўйича (эркаклар – 43(35,83%), аёллар – 77(64,17%); ёш бўйича (1 гр.–16-29 ёш, 2гр.– 30-44 ёш, 3гр.– 45-59 ёш, 4гр.–60-74 ёш); касаллик давомийлиги бўйича (1гр.–1-9 ёш, 2гр.–10-19 ёш, 3гр.–20 ва ундан кўп); касаллик фаоллик даражаси бўйича (фаол – 62(51,7%); нофаол– 58(48,3%)); даволаш усули бўйича (1гр. – медикаментоз 32(26,7%), 2гр.–нуртерапия 32(26,7%), 3гр. – хирургик 19(15,8%), аралаш(хир.+мед.) 11(9,2%), аралаш(хир.+нур.) 19(15,8%)).

Олинган натижалар Microsoft Excel ва STATISTICA-6 компьютер дастурлари ёрдамида статистик қайта ишланди. Миқдорий кўрсаткичлар ишончлилик даражаси ($n > 12$) Вильконсон усули бўйича, кичик танловларни аниқлаш учун ($n < 12$) Фишер рандомизация мезонлари нопараметрик усулда, сифатий қийматлар учун Фишер-Ирвин аниқ мезонлари қўлланилди. Фарқлар ўртасидаги статистик ишончлилик даражаси $P < 0,05$ да, Спирмен нопараметрик усули бўйича корреляцион таҳлил ёрдамида амалга оширилди.


Диссертациянинг учинчи – «**Акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизими асоратлари**» бобида мазкур касалликнинг таянч-ҳаракат тизимидаги асоратларининг ривожланиш хусусиятлари баён қилинган. Акромегалиянинг ТҲА тавсифи ва кўп учраши беморлар жинси, ёши, касаллик давомийлиги ва фаоллиги кесимида тавсифланган. Олинган натижаларга кўра акромегалиянинг ТҲА мавжуд беморларда остеопороз (78,3%) аниқланиб, шундан эркак (69,8%) ва аёлларда (66,2%) деярли бир хил учраш даражаси аниқланди. Айтилиши мумкин, таянч-ҳаракат тизимининг баъзи асоратлари бўйича гендер фарқлар кузатилди. Бунда, эркакларда суяк синишлари устунлик қилган бўлса (10,8% ва 5,2%, $p < 0,001$), аёлларда эса кўпроқ остеопороз (61,1% ва солиштирув 48,8%, $p < 0,05$) қайд этилди.


ТҲА тузилиши касаллик давомийлиги бўйича таҳлилини кўрсатишича, дастлабки 10 йилда остеопения ва остеоартритлар устунлик қилди. ЎГ узок муддатли гиперсекрецияси ТҲА чуқурлашишига ва остеоартрозлар учраши ортишига олиб келди (93,2% –10-19 йил, $p < 0,001$ ва 100% – 20 ва ундан кўп йил, $p < 0,001$). Остеопороз 95,5% –10-19 йил, $p < 0,001$ ва 96,3% –20 ва ундан кўп йил, $p < 0,001$. Бунда суяк синишларининг энг юқори даражаси 10-19 йиллик касаллик давомийлигига тўғри келди ва бу ушбу гуруҳда касалликнинг фаол шакллари мавжуд беморлар кўплиги билан асосланади (43,5% қарши 29%, $p < 0,05$). Уларда суяк синишлари кўпроқ кузатилди (14,5%, қарши 6,9%, $p < 0,05$).

Касалликнинг фаол босқичи мавжуд беморларда юқори даражадаги акромегалиянинг ТҲА шакли ва у бўлмаган ҳолларда остеоартрит мос равишда 32,3% ва 0,01% ($p < 0,001$), остеоартрит 70,9% ва 43,1%, $p < 0,001$), остеопороз 85,5% ва 50,0% ($p < 0,01$), суяк синишлари 14,5% ва 6,9%, ($p < 0,05$) учраса ҳам, беморларнинг деярли ярмида остеопороз (50%) ва остеоартрит (43,1%) кузатилди. Бунда, ТҲА оғирлиги гиперсоматотропинемия давомийлигига боғлиқ бўлиб, ТҲА ва остеоартрит касаллиги 10-19 йил

кечганда 93,2% – ($p < 0,001$) ва унинг давомийлиги 20 ва ундан кўп йил давом этганда ($p < 0,001$) ва 10-19 йил кечганда остеопороз 95,5% ($p < 0,001$) ва 20 ва ундан кўп кечганда 96,3%га ($p < 0,001$) учраши ортишига сабаб бўлди. Касаллик давомийлиги 10-19 йил бўлган беморлар гуруҳида суяк синиш ҳолатларининг энг кўп учраши аниқланди. Бу касалликнинг фаол шакли мавжуд бўлган беморларда мос равишда 43,5% 29% ($p < 0,05$) кўпроқ қайд этилди (мос равишда 14,5%, ва 6,9%).

Айрим тадқиқотларда акромегалияга чалинган беморларда тана вазни ортиқча бўлиши кўрсатилган. Шунинг эътиборига олиб тадқиқотимизнинг кейинги босқичида кузатувимиздаги беморларни тана вазни индексини (ТВИ) ўргандик. Олинган натижалар акромегалия мавжуд беморларда ТВИ назорат гуруҳига нисбатан юқори эканлигини кўрсатди (мос равишда $30,7 \pm 4,9$ кг/м² ва $27,8 \pm 1,6$ кг/м², $p = 0,01$) ва уларда тана ёғ массасида статистик сезиларли фарқ аниқланмади. Кўрсаткич мос равишда $34482,7 \pm 4457,3$ гр $34281,6 \pm 3508,65$ гр га тенг бўлди ($p = 0,678$). Олинган натижалар мазкур тоифа беморларда ТВИ семизлик даражаси кўрсаткичи эмас, балки ЎГ тана вазни ортишига сабаб бўлишини кўрсатади. Акромегалиянинг фаол тури мавжуд беморларда тана вазни индекси назорат гуруҳи кўрсаткичларидан юқорилиги билан бир қаторда (мос равишда 53158 ± 4780 гр ва 51582 ± 4386 гр, $p = 0,04$) ёғ тўқимаси массаси касалликнинг нофаол шаклида устунлик қилди (31500 ± 4120 гр ва 33732 ± 4071 гр, $p = 0,003$). Касаллик фаоллик даражаси ва тана вазни индекси ўртасида бевосита корреляцион боғлиқлик кузатилди ($R = 0,430$) (1-расм).





1-расм. Касаллик фаоллик даражаси ва тана вазни индекси ўртасидаги корреляцион боғлиқлик.


Диссертациянинг 4 боби “Акромегалияда ЎГ гиперсекрециясини тана таркиби ва суяк тўқимаси минерал зичлигига таъсири” ни ўрганишга бағишланган. Ушбу бобда биз суяк тўқимасининг минерал зичлиги (СМЗ) га таъсир қилувчи эҳтимолий омиллар яъни: беморлар жинси, ёши, касаллик фаоллиги, давомийлиги ва уларнинг гонад статусини ўргандик.

Акромегалия билан оғриган беморларда СМЗда гендер фарқларни ўрганиш натижасида аниқланишича, аёлларда СМЗ бузилиши 18-44 ёшда умуртқа поғонаси остеопорози кўринишида намоён бўлса (-1,1 SD), эркекларда эса бузилиш аниқланмади. Пременопауза давридаги аёлларда (45-59 ёш) сон суяги бўйин қисми остеопорози (-2,5 SD, $p < 0,001$), сон суяги остеопенияси (-1,5 SD, $p < 0,001$) ва умуртқа поғонаси остеопенияси (-2,1 SD, $p < 0,001$) аниқланди. Аёллар ёшининг улғайиб бориши билан суяк структурасининг бузилиши умуртқа поғонаси (-2,7 SD, $p < 0,001$) ва сон суяги остеопорози (-2,6 SD, $p < 0,001$) кўринишида намоён бўлди. Аини вақтда 45-59 ёшдаги эркекларда СМЗ бузилиши умуртқа поғонаси (-2,8 SD, $p < 0,01$) ва сон суяги остеопорози (-2,8 SD, $p < 0,05$), сон суяги остеопенияси (-1,2 SD, $p < 0,05$) кўринишида қайд этилди. Бунда 60 ёшдан сўнг умуртқа поғонаси остеопорози (-2,85 SD, $p < 0,01$) ва сон суяги остеопенияси (-1,4 SD, $p < 0,05$) аниқланди. Сон суяги бўйин қисми ва сон суяги ҳамда эркек жинси ўртасида мос равишда мусбат корреляцион боғлиқлик, ($R = -0,35$, $p < 0,01$ ва $R = -0,34$, $p < 0,01$) аниқланди. Беморлар ёши ва умуртқа поғонаси СМЗ ($R = -0,56$, $p < 0,01$), сон суяги бўйин қисми ($R = -0,50$, $p < 0,01$), сон суяги ($R = -0,56$, $p < 0,01$) ўртасида эса манфий корреляцион боғлиқлик кузатилди.

Беморларда суякларнинг ёшга боғлиқ ўзгаришларига мос равишда касаллик давомийлиги ҳам ортиб боришида ўТ гиперсекрециясининг суяк асоратлари кўшилиб борди. Касаллик давомийлиги 10-19 йил бўлган беморларда умуртқа поғонаси остеопорози $-2,6$ SD, ($p < 0,001$), сон суяги $-1,55$ SD, ($p < 0,001$) ва сон суяги остеопенияси $-2,3$ SD ($p < 0,001$) аниқланган бўлса, касаллик давомийлиги 20 йилдан кўп бўлганларда суяк тўқимасидаги ўзгаришлар умуртқа поғонаси $-2,6$ SD, ($p < 0,001$) ва сон суяги остеопорози $-2,6$ SD ($p < 0,001$) ҳамда сон суяги остеопенияси $-1,7$ SD, ($p < 0,001$) учраш даражаси ҳам кўпайиши қайд этилди. Касаллик давомийлиги ва умуртқа поғонаси СМЗ ($R = -0,61$, $p < 0,01$), сон суяги бўйин қисми ($R = -0,59$, $p < 0,01$), сон суяги остеопорози ($R = -0,54$, $p < 0,01$) ўртасида манфий корреляцион боғланиш аниқланди.

Гонадаларнинг СМЗга таъсирини эътиборга олган ҳолда биз ўз олдимизга ушбу кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлигини аниқлашни мақсад қилиб қўйдик. Жинсий гормонлар миқдори бўйича беморлар 2: гипогонадизм ва эугонадизм гуруҳларга ажратилди ва уларнинг эркак ҳамда аёллар ўртасида таҳлили ўрганилди.

Гипогонадизм ва умуртқа поғонаси СМЗ $R = -0,46$, ($p < 0,01$), сон суяги бўйин қисми $R = -0,41$ ($p < 0,01$), сон суяги $R = -0,37$, ($p < 0,01$) ўртасида манфий корреляцион боғлиқлик аниқланди (2-расм).



2-расм. Гипогонадизм ва СМЗ; умуртқа поғонаси; сон суяги бўйин қисми; сон суяги ўртасидаги корреляцион боғлиқликлар.

Эркакларда сон суяги бўйин қисми соҳасида остеопения $-1,8$ SD, ($p < 0,01$), аёлларда – остеопороз $-2,5$ SD ($p < 0,001$) аниқланди. Гипогонадизм ва умуртқа поғонаси СМЗ $R = -0,46$ ($p < 0,01$), сон суяги бўйин қисми $R = -0,41$ ($p < 0,01$), сон

суяги $R = -0,37 (p < 0,01)$ ўртасида манфий корреляцион боғланиш қайд этилди. L1-L4 умуртқа соҳасида СМЗ текширувида касаллик фаол шаклидаги гипогонадизм бўлган беморларда унинг нофаол шаклига нисбатан остеопороз ҳолати кўпроқ кузатилиши аниқланди (мос равишда $-2,55$ SD ва $-1,6$ SD, $p < 0,05$). Худди шундай, касаллик фаоллиги ва сон суяги бўйин қисми СМЗ ўртасида ҳам манфий корреляцион боғлиқлик ($R = -0,25, p < 0,05$) қайд этилди.

Остеобластик фаоллик маркери остеокальцин ва резорбция маркери остеокластлар фаоллиги бета-кросслапс фаоллигини ўрганишда аёлларда суяк метаболизмида бузилишлар кузатилди. Аёлларда бета-кросслапс миқдори эркакларга нисбатан мос равишда $1,53$ нг/мл ва $0,87$ нг/мл, $p = 0,009$ ва назорат гуруҳида $1,53$ нг/мл ва $0,815$ нг/мл, ($p = 0,04$) бўлиб аёлларда остеокальцин миқдорини эркакларга нисбатан пасайиши аниқланди (эркакларда: $39,9 \pm 17,2$ нг/мл назорат гуруҳида $45,7 \pm 15,1$ нг/мл ($p = 0,04$), $39,9 \pm 17,2$ нг/мл қарши $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,05$).

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш учун касалликни турли давомийлигига эга акромегалия билан оғриган беморларда суяк метаболизми маркерлари ўрганилди. Касаллик давомийлиги 10-19 ҳамда 20 ва ундан кўп йил бўлган беморларда назорат гуруҳи ва касаллик давомийлиги 10 йилгача бўлган беморларга нисбатан бета-кросслапс миқдорини ортиши аниқланди ($1,61 \pm 0,8$ нг/мл, $p < 0,001$ ва $1,68 \pm 0,4$ нг/мл, $p < 0,001$). Бунда касалликнинг дастлабки 10 йилида остеокальцин миқдори назорат гуруҳига нисбатан сезиларли ўзгаришларга учрамади (мос равишда $41,7 \pm 17,8$ нг/мл ва $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,91$), 10-19 йиллик муддатда эса остеокальцин ошиб борди (мос равишда $46,4 \pm 23,4$ нг/мл ва $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,001$) ва 20 ундан кўп давомийликка эга беморларда назорат гуруҳга нисбатан пасайиб борди (мос равишда $39,6 \pm 7,74$ нг/мл ва $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,001$). Бу ҳолат суяк ҳосил бўлишини пасайиши ва остеопороз ривожланишидан далолат беради.

Суяк метаболизми жараёнларига касаллик давомийлигининг таъсири ўрганилганда, 10-19 йил ва ундан кўп муддатга эга беморларда бета-кросслапс миқдорини (мос ҳолда $1,61 \pm 0,8$ нг/мл, $p < 0,001$ ва $1,68 \pm 0,4$ нг/мл, $p < 0,001$) ва остеокальцин миқдорини ($46,4 \pm 23,4$ нг/мл ва $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,001$) статистик ишонарли тарзда ортиши кузатилсада, 20 йилдан сўнг остеокальцин миқдори назорат гуруҳга нисбатан пасайиши аниқланди (мос равишда $39,6 \pm 7,74$ нг/мл ва $43,3 \pm 13$ нг/мл, $p = 0,001$). Бу эса суяк ҳосил бўлиш жараёнларининг сусайиши ва остеопороз ривожланишидан далолат беради. Суяк ремоделланишида ҳам ёшга боғлиқ ўзгаришлар кузатилди, бунда у беморлар ёшини ортиб бориши бета-кросслапс ортиши (эркаклар - $1,56$ нг/мл, $p = 0,05$; аёллар - $2,04$ нг/мл, $p = 0,038$) ва остеокальцин миқдори пасайиши шаклида намоён бўлди.

Бундан ташқари, касаллик фаоллик даражасининг ҳам суяк ремоделланишига таъсири аниқланди ва акромегалиянинг фаол шакли мавжуд беморларда назорат гуруҳига нисбатан бета-кросслапснинг юқори даражалари қайд этилди (мос равишда $1,5$ нг/мл, ва $0,8$ нг/мл, $p = 0,001$) ва касалликнинг нофаол шаклида ҳам шундай манзара кузатилди ($1,5$ нг/мл назорат $0,7$ нг/мл, $p = 0,001$). Умуртқа поғонаси СМЗни бета-кросслапс миқдори билан юқори

манфий корреляцион боғлиқлик мавжудлиги исботланди ($R = -0,45$, $p < 0,01$), остеокальцин миқдори эса сон суяги Z-критерийси ($R = 0,312$, $p < 0,001$), сон суяги бўйни ($R = 0,314$, $p < 0,001$), умуртқа поғонаси ($R = 0,307$, $p < 0,05$) ҳамда сон суягининг T-критерийси ($R = 0,203$, $p = 0,02$), сон суяги бўйни ($R = 0,296$, $p = 0,003$) ва умуртқа поғонаси ($R = 0,314$, $p < 0,001$) билан ҳам корреляцион боғлиқлик аниқланди.

Тизимли башоратлаш математик-статистик таҳлиллар ёрдамида прогнозловчи жадвалларни солиштириш орқали остеопения ва остеопороз ривожланиш хавфини аниқлаш мумкин. Остеопения ривожланишининг нисбий хавф (НХ) даражаси кўрсаткичларини баҳолашни кўрсатишича, етакчи омиллар сифатида радикулопатия (НХ=3,17), иккинчи ўринда – медикаментоз терапия (дофамин агонистлари билан) (НХ=2,63), учинчи – гипогонадизм (НХ=2,62), тўртинчи – карпал канал синдроми (НХ=2,03), бешинчи – бемор ёши (НХ=1,93), олтинчи – нур терапиясини (НХ=1,88) кўрсатиш мумкин. Остеопороз ривожланишида эса етакчи омил гипогонадизм (НХ=13,44) хисобланади. Иккинчи ўринда касаллик давомийлиги (НХ=12,37), учинчи–остеоартрозлар (НХ=5,62), тўртинчи–остеоартритлар (НХ=2,51), бешинчи – беморлар ёши (НХ=2,80), олтинчи – нур терапияси (НХ=2,66), еттинчи ўринда – медикаментоз терапия (НХ=2,63) туради.


Шундай қилиб, акромегалияда СМЗ бузилиши хавфи мавжуд беморларни ташхислашда қуйидаги симптомларга ахамият қаратиш керак: остеоартроз (НХ=5,62), остеоартрит (НХ=2,51), радикулопатия (НХ=3,17), карпал канал синдроми (НХ=2,03), тирноқларни ўзгариши (НХ=2,0), чакка пастки жағ бўғими касалликлари (НХ=1,81), прогнатизм (НХ=1,71), белдаги оғриқ (НХ=1,75), дистал фалангалар кенгайиши (НХ=1,64), проксимал миопатия (НХ=1,57), бир неча бўғимларда оғриқ (НХ=1,52). Эрта ташхислаш мезони сифатида VI қовурға бўйича кўкрак айланаси (НХ=3,83), елкагача бўй узунлиги (НХ=2,14), белгача бўй узунлиги (НХ=1,57) қўлланилиши мумкин. Кўрсатилган бўсаға кўрсаткичлар – остеопения ривожланиш хавф гуруҳини аниқлашга хизмат қилади.

Диссертациянинг бешинчи боби «Акромегалиянинг таянч-ҳаракат асоратларини даволашда антиостеопоротик препаратларни қўллаш самарадорлигини баҳолаш».

Ушбу боб акромегалиянинг ТҲА асоратларини даволашда антиостеопоротик препаратлар самарадорлигини ўрганишга бағишланган. Ушбу тадқиқотларни ўтказиш учун акромегалия билан касалланган 40 та бемор ажратиб олинди. Уларда касалликнинг нофаол шакли аниқланган бўлиб, шундан 12 (30%) эркак ва 28 (70%) аёллар эди. Тадқиқотларни ўтказиш мақсадида беморлар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 1 гуруҳ – Алendra (алендрон кислота) препаратини 70 мг дозада ҳафтасига 1 марта, 1 йил давомида қабул қилган акромегалиянинг нофаол шакли мавжуд беморлар (20 бемор: улардан 6-эркак, 12-аёл); 2 гуруҳ – антиостеопоротик даволаш муолажаси олмаган нофаол акромегалияли беморлар (20 бемор: улардан 6-эркак, 12-аёл); 3 гуруҳ – назорат (15 соғлом шахслар), уларда зарурият бўйича

Д гиповитаминозни ва гипокальцемиани баргараф этиш учун 1000 мг дан кальций препаратлари, Д3 витамини кунига 2000 МЕ дозада буюрилди.

Даволаш негизида суяк метаболизми омилларининг ўзгариши ўрганилди (3 расм).



3-расм. Текширилган беморларда даволаш негизида суяк метаболизми кўрсаткичларининг ўзгариши


Натижалардан кўриниб турганидек, ҳар икки гуруҳда текширувлар бошида назорат гуруҳга нисбатан бета-кросслапс миқдорини юқори даражаси аниқланди (1гр. – 1,35 нг/мл, $p < 0,01$, 2 гр. – 1,47 нг/мл, $p < 0,001$). Алендра препарати билан 1 йил давомида даволашда 1 гуруҳда бета-кросслапс миқдори пасайди ва ўртача 0,73 нг/мл ($p < 0,01$)ни ташкил қилди. Айни вақтда 2 гуруҳ беморларида эса бета-кросслапс миқдори деярли ўзгаришсиз қолди (даволашгача 1,47 нг/мл; 1 йилдан сўнг – 1,49 нг/мл). Остеокальциннинг дастлабки натижалари ҳар икки гуруҳда назорат гуруҳига нисбатан паст бўлиб, улар ўртасида деярли фарқ кузатилмади (1 гр. – 39,6 нг/мл, $p < 0,05$; 2 гр. – 38,8 нг/мл, $p < 0,05$). Алендра препарати қабул қилган беморларда 1 йилдан сўнг остеокальцин (42,5 нг/мл, $p < 0,05$) миқдорини алендрон кислота қабул қилмаган беморлар гуруҳига (39,1 нг/мл) нисбатан ишонарли тарзда ошиши аниқланди.

Тадқиқотларимизнинг кейинги босқичида СМЗ миқдорлари баҳоланди. Олинган натижаларнинг кўрсатишича, акромегалия мавжуд ҳар икки гуруҳ беморларда тадқиқотлар бошида СМЗ назорат гуруҳга нисбатан ўзгаришлар аниқланди. Бунда, СМЗ ўзгариши сон суяги остеопенияси кўринишида (1гр.– 1,5 SD, $P < 0,05$; 2гр – 1,4SD, $P < 0,01$) ҳамда умуртқа поғонаси (1гр.– 2,6SD, $P < 0,001$; 2гр – 2,5SD, $P < 0,001$) ва сон суяги бўйин қисми остеопорози (1гр.– 2,7SD, $P < 0,001$; 2гр. – 2,8SD, $P < 0,001$) кўринишида намоён бўлди. Алендра препарати қабул қилган беморларда СМЗ кўрсаткичлари яхшилана борди. Умуртқа поғонаси (1гр.– 1,2 SD; 2гр – 2,1SD, $P < 0,05$), сон суяги (1гр.– 1,0 SD; 2гр. – 1,5SD), сон суяги бўйин қисми (1гр.– 1,0 SD; 2гр – 1,9SD, $P < 0,05$) СМЗ солиштирув гуруҳига нисбатан ишонарли равишда яхшиланиши тасдиқланди.

Шундай қилиб, ЎГ гиперсекрециясида специфик даволаш негизида алендра препаратини қўлланилиши умуртқа поғонаси СМЗ (1гр.– 1,2 SD; 2гр – 2,1SD, $P < 0,05$), сон суяги (1гр.– 1,0 SD; 2гр – 1,5SD), сон суяги бўйин қисми (1гр.– 1,0 SD; 2гр – 1,9SD, $P < 0,05$) СМЗ кўрсаткичларининг яхшиланиши

аниқланди. Бунда, бета-кросслапс (0,73 нг/мл, $p < 0,01$) миқдорини камайиши ва остеокальцин (42,5 нг/мл, $p < 0,05$) алендрон кислота қабул қилмаган (39,1 нг/мл) гуруҳга нисбатан ортиши кўринишида суяк ремоделланишининг яхшиланиши кузатилди. “Стулдан кўтарилиш”, “туриш ҳамда юриш” ва “мувозанат вақти” синамасининг ортиши каби функционал синамаларни бажариш қобилияти яхшиланиши кузатилди.

Ўтказилган тадқиқотлар асосида биз томондан акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларни даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (4-расм).



4-расм. Акромегалиянинг таянч-ҳаракат тизими асоратлари мавжуд беморларни кузатиш ва даволаш алгоритми

ХУЛОСАЛАР

«Акромегалияда таянч-ҳаракат тизими асоратлари, эрта ташхислаш ва даволашнинг замонавий усуллари ва жиҳатлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидагича хулосалар тақдим этилди:

1. Акромегалиянинг юқори даражада таянч-ҳаракат тизими асоратлари остеоартрит (32,3%), остеоартроз (70,9%), остеопороз (85,5%), умуртқанинг компрессион синишлари 14,5%, остеопения (28%), тизза бўғимлари ҳаракатини чегараланиши (70,8%) ва полиартралгиялар (66,7%) билан тавсифланиб, улар гиперсоматотропинемия давомийлиги ҳамда беморлар ёши ортиши, эркакларда кўпроқ кузатилиши билан характерланади. 85% беморларда ТВИ юқори ёки 25 кг/м²дан катта бўлди, бу эса акромегалиянинг фаол шакли мавжуд беморларда тана тўқималари массасини назорат гуруҳига нисбатан ортиши (53256,2±5668,64 гр назорат 43615,3 ±1947,4 гр, p=0,001) кузатилди.

2. Акромегалиянинг таянч-ҳаракат асоратлари тузилмасида гендер ва ёшга боғлиқ фарқлар аниқланиб, унда эркакларда суяк синишлари кўпроқ аниқланди. Бунда кўрсаткичлар мос равишда 10,8% ва 5,2%, p<0,001, аёлларда остеоартроз 61,1% ва 48,8%, p<0,05; навқирон ёшдагиларда остеопения (35,3% ва 12,9%, p<0,001) ва остеоартрит эса ўрта ёшларда 49% ва 11,1%, p<0,001 кузатилди. Беморлар ёши ортиши билан оғир асоратлар сони ҳам ортиб борди: остеопороз (60-74 ёшда –100%, 77,8% – 45-59 ёшда, p<0,05 ва 27,4% – 18-44 ёшда, p<0,01), остеоартроз (60-74 ёшда –100%, 72,2% – 45-59 ёшда, p<0,05 ва 29,4% – 18-44 ёшда, p<0,001) ва суяк синишлари (60-74 ёшда –26,7%, 7,4% – 45-59 ёшлиларда, p<0,01 ва 9,8% – 18-44 ёшда, p<0,05).

3. Таянч-ҳаракат тизими асоратлари гиперсоматотропинемия давомийлигига боғлиқ бўлиб, у асорат чуқурлашишига ва остеоартроз учрашининг ортишига (93,2% – касаллик давомийлиги 10-19 йил бўлганда p<0,001 ва 100% 20 йилдан кўп давомийликда, p<0,001) ва остеопорозга (95,5%, p<0,001 ва 96,3%, p<0,001) олиб келди. Касаллик давомийлиги 10-19 йил бўлган беморларда суяк синишлари юқори фоизларда учради, бу эса ушбу гуруҳда акромегалиянинг фаол шакли мавжуд беморлар кўплиги билан боғлиқ бўлиб (43,5% солиштириш 29%, p<0,05), уларда кўпинча ушбу синишлар қайд этилди (14,5%, солиштириш 6,9%).

4. Суяк ремоделланиши кўрсаткичларини ўрганишда, уларни жараён фаоллиги, гонадал статусга боғлиқлигини кўрсатди ва назорат гуруҳга нисбатан бета-кросслапс миқдорини (1,5 нг/мл – 0,8 нг/мл, p=0,001) ва нофаол акромегалия мавжуд беморлар кўрсаткичлари (1,5 нг/мл солиштириш 0,7 нг/мл, p=0,001) юқори миқдори билан ажралиб турди. Касаллик давомийлиги суяк метаболизмига таъсири аниқланиб, унда бета-кросслапс (1,68±0,8 нг/мл, солиштириш 0,81±0,4 нг/мл, p<0,001) ва остеокальцин (46,4±23,4 нг/мл солиштириш 42,3±13 нг/мл, p=0,05) миқдори ортиб бориши қайд этилди. Улар 20 йилдан сўнг назорат кўрсаткичлари даражасигача пасайиб борди (остеокальцин: 39,6±7,74 нг/мл солиштириш 43,3±13 нг/мл, p=0,001), бу эса

суяк ҳосил бўлиш жараёнини пасайиши ва остеопороз ривожланишига имкон беради. Суяк ремоделланиши кўрсаткичларининг ёш жиҳатдан ўзгаришлари аниқланди, бунда ёш катталаниши билан бета-кросслапс миқдори ҳам ошиши (эркаклар-1,56 нг/мл, $p=0,05$; аёллар-2,04 нг/мл, $p=0,038$) ва остеокальцин миқдори пасайиши кузатилди.

5. Акромегалия билан касалланган беморларда алендра препаратининг қўлланилиши умуртқа поғонаси бел қисми ($-2,5\pm 0,01$ SD солиштириш $2,1\pm 0,02$ SD, $p<0,001$) ва сон суяги бўйин қисми суяк тўқимаси минерал зичлигининг ортишига ($-2,1\pm 0,02$ SD солиштириш $-2,05\pm 0,03$ SD $p<0,001$) олиб келади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**

**РЕСПУБЛИКАНСКИЙ СПЕЦИАЛИЗИРОВАННЫЙ НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЙ МЕДИЦИНСКИЙ ЦЕНТР ЭНДОКРИНОЛОГИИ
им. АКАД. Я.Х. ТУРАКУЛОВА**

САФАРОВА ШОХСАНАМ МАШАРИПОВНА

**ОПОРНО-ДВИГАТЕЛЬНЫЕ ОСЛОЖНЕНИЯ АКРОМЕГАЛИИ,
РАННЯЯ ДИАГНОСТИКА И СОВРЕМЕННЫЕ АСПЕКТЫ ЛЕЧЕНИЯ**

14.00.03 – Эндокринология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.1.PhD/Tib741.

Диссертация выполнена в Республиканский специализированный научно-практический медицинский центр эндокринологии им. акад. Ё.Х. Туракулова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tma.uz) и информационно-образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Халимова Замира Юсуфовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Шагазатова Барно Хабибуллаевна
доктор медицинских наук, профессор

Хамроев Фарход Шарафович
доктор медицинских наук

Ведущая организация:

**Центр развития профессиональной
квалификации медицинских работников**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного совета 04/30.12.2019.Tib.30.02 при Ташкентской медицинской академии (Адрес: 100109, г.Ташкент, Алмазарский район, ул. Фароби, 2. Зал заседания 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована, № ____). (Адрес: 100109, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Фаробий, 2. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 год.

(Протокол рассылки № ____ от «__» _____ 2021 года)

А.Г. Гадаев

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Д.А. Набиева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

С.И. Исмаилов

Председатель научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Акромегалия является одной из хронических эндокринопатий, в основе которой лежит гиперсекреция опухолью гипофиза гормона роста и, соответственно, инсулиноподобного фактора роста 1. Гормон роста человека и основной медиатор эффектов его стимуляции инсулиноподобный фактор роста-1 играют важную роль в регуляции метаболизма костной ткани. Известно, что хотя недостаточность ГР у взрослых и вносит свой вклад в такое явление, как потеря костной массы и развитие остеопороза, однако влияние избытка ГР на состояние костной ткани все еще остаётся неясным. Кроме того, неясным остаётся и то, связано ли наблюдаемое у больных акромегалией повышение минеральной плотности кости с увеличением риска переломов. Несмотря на достаточно высокую частоту костно-мышечных проявлений при акромегалии и на то, что почти у всех больных акромегалией развиваются объективные или субъективные признаки артропатии, данные о них остаются спорными. Ранняя диагностика и правильно выбранное лечение, как залог предотвращения развития необратимых осложнений и улучшения качества жизни больных, страдающих этими заболеваниями, остаются приоритетной задачей, требующей своей реализации.

Вопросы диагностики и лечения костно-суставных осложнений при акромегалии, в том числе, и частота подверженности людей данному заболеванию в глобальном масштабе, достаточно широко представлены в работах ряда зарубежных специалистов. Вместе с тем, увеличение комплекса патологических, необратимых осложнений в опорно-двигательной системе, несомненно, оказывают безусловное влияние на активность больных, способы лечения, и, что особенно важно, на летальность. Здесь первоочередной задачей выступает выявление и изучение частоты костно-суставных осложнений и влияющие на их развитие факторы риска, ранняя диагностика и разработка эффективных методов лечения. Все же следует особо отметить, что сегодня нет фундаментальных трудов, которые бы могли в совокупности отразить вопросы наблюдения и изучения костно-суставных осложнений в увязке с половой принадлежностью, возрастными особенностями и качеством жизни, а также продолжительностью гиперсоматотропинемии.

В нашей стране проводится широкомасштабная работа по развитию медицинской сферы, заболеваемости акромегалией, ее влиянию на опорно-двигательный аппарат, факторы развития заболевания и частоту их осложнений, раннему выявлению, лечению и профилактике заболевания. Поставлены такие задачи, как «...повышение эффективности, качества и доступности медицинской помощи, оказываемой населению в нашей стране, а также внедрение высокотехнологичных методов ранней диагностики и лечения заболеваний путем создания патронажной службы, поддержки здорового образа жизни и профилактики заболеваний...»¹. Данные задачи

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Респубилки Узбекистан от 7 декабря 2018 года.

позволяют снизить уровень инвалидности и смертности, возникающих в результате осложнений заболевания, за счет совершенствования использования современных технологий в диагностике и лечении различных заболеваний, связанных с эндокринной системой, среди населения.

Настоящее диссертационное научное исследование направлено на решение задач, обозначенных в Указах Президента Республики Узбекистан № УП-4295 «Об утверждении Национальной программы по совершенствованию эндокринологической помощи населению республики на 2019–2021 годы» от 19 апреля 2019 года, №УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 7 декабря 2018 года, в Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017–2021 годы» от 20.06.2017 года, а также в других нормативно-правовых документах, имеющих отношение к данной области деятельности.

